

Фарзандга Муҳаммад деб исм қўйса бўладими?



11:30 / 30.06.2021 5720

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «**Исмимни қўйинглар, аммо куням билан куняланманглар**».

Бухорий ва Муслим ривоятлари.

«**Куня**» деганда кишининг исмидан аввал айтиладиган, бош фарзандининг исмига қўшиб «**Фалончининг отаси**» маъносидаги нарса тушунилади. Масалан, Абу Абдуллоҳ, Абу Дардо, Абу Мусо каби.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кўплаб саҳобаларга куня қўйиб, ўша билан чақирар эдилар. Масалан, Абдурахмон ибн Соҳр ад-Давсий розияллоҳу анҳу деган саҳобанинг мушукнинг боласини ўйнатиб ўтирганларин кўриб, у кишини «**Абу Ҳурайра**», яъни «**Мушукчанинг отаси**» деб чақирганлар.

Бир куни масжид девори ёнида ётган Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг тупроққа беланиб ётганларини кўрган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини «Абу Туроб», яъни «Тупроқ отаси»

деган куня билан чақирганлар. Шунингдек, Али розияллоху анхунинг «Абул Ҳасан» деган кунялари ҳам бор.

Бизда ҳам баъзи хонадонларда аёллар турмуш ўртоғларини бош фарзандларининг исми билан чақиришлари одат тусига кирган. Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг кунялари эса Абул Қосим эди.

Юқоридаги ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам умматларини ўз исmlарини қўйишга тарғиб қилмоқдалар. Баъзилар ўйлаганидек, агар Муҳаммад исми фарзандга оғирлик қилганида ёки фарзандни Муҳаммад деб номлаш мумкин бўлмаганида, «**Исми мни қўйинглар**» демасдилар.

Қолаверса, барча Пайғамбарлар алайҳимуссаломнинг улуғи, оламларга раҳмат бўлган зотнинг исmlари қандай қилиб оғирлик қиладиган, фарзанднинг боши касалликдан чиқмаслигига сабаб бўладиган исм бўлади?!

Бундай гапни айтиш севикли Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга нисбатан беҳурматлик ҳисобланади.

Абул Қосим деб куняланиш борасида эса уламоларимиз ораларида турли фикрлар мавжуд.

Баъзи уламолар Абул Қосим деб куняланиш мутлақ мумкин эмас, десалар, баъзилари ҳадисдаги гап Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳаётлик чоғларига тегишли, дейишган.

Айтгандек, Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху, Али розияллоху анху каби улуғ саҳобаларнинг Муҳаммад исми ўғиллари бўлган.

Шунингдек, Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ, Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ каби улуғ муҳаддисларимизнинг исmlари ҳам Муҳаммад бўлган.

Фарзандига Муҳаммад деб исм қўйган ота-она ўша фарзандини ҳурмат қилиши, уни ҳақорат қилмаслиги, мажлисларда жой бериши, юзига деб сўкмаслиги лозим бўлади.

Хуллас, туғиладиган фарзандларимизга биз умматлари учун кўп қайғурган, охирада шафоатчимиз бўлган севиклигимиз соллаллоху алайҳи васалламнинг исmlарини кўпроқ қўйишимиз ва ушбу исмнинг ҳурматини сақлашимиз керакдир.

***Islom.uz* сайти ва бошқа манбалар асосида**

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади